

## Сийрат дарслари (129-дарс). Мабрур ҳажнинг мукофоти



15:25 / 26.03.2021 4672

495. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Сизлар билан ғазот ёки жиҳод қилайликми?» дедим. «**Лекин жиҳоднинг яхшиси ва гўзали мабрур ҳаждир**», дедилар».

Оиша айтди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бунини эшитганимдан буён ҳажни тарк қилмайман».

*Бухорий ривоят қилган.*

496. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳаж билан умрани кетма-кет қилинг. Албатта, иккиси худди босқон темир, тилла ва кумушнинг кирини кетказганидек, фақирлик ва гуноҳларни кетказди. Мабрур ҳажнинг жаннатдан бошқа савоби йўқ»**, дедилар».

*Термизий, Насоий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.*

497. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Умрадан кейинги умра иккисининг орасидаги нарсаларга каффоротдир. Мабрур ҳажнинг мукофоти жаннатдан бошқа нарса эмас»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

Бошқа ривоятда: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Ким Аллоҳ учун ҳаж қилса, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онаси туққан кунидек қайтади»**, деяётганларини эшитдим.

*Бухорий ривоят қилган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**